

# Зулҳижжанинг аввалги ўн кунлигида рўза тутишнинг ҳукми нима?

ما حكم الصيام من بداية ذي الحجة إلى اليوم التاسع منه؟

< ўзбекча - الاوزبكية >



Шайх Обидхон қори

الشيخ عابدخان قارئ



Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

### Савол:

Бир биродарнинг айтишича, Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлик рўзаси борасида Ҳафса онамиздан ривоят бўлган ҳадис заиф экан. Шунинг учун бу рўзани суннат дейилмас экан. Шу тўғрими ёки йўқми?

### Жавоб:

Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигида рўза тутиш ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир неча ҳадислар ривоят қилинган. Уларнинг ичида саҳиҳлари ҳам бор, заифлари ҳам. Ҳафса разияллоҳу анҳодан Суютий таҳриж қилган ҳадисни шайх Албоний ва бошқа уламолар заиф, деб ҳукм қилишган. Аммо саҳиҳ ҳадислар бу кунларда рўза тутишнинг ниҳоятда савобли ва мустаҳаб амал эканига далолат қилади. Бу мазмундаги ҳадисларни Бухорий, Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ва Аҳмадлар ривоят қилишган. Қуйида улардан баъзиларини келтирамыз.

عَنْ هُنَيْدَةَ بْنِ خَالِدٍ عَنِ امْرَأَتِهِ عَن بَعْضِ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُومُ تِسْعَ ذِي الْحِجَّةِ وَيَوْمَ عَاشُورَاءَ وَثَلَاثَةَ أَيَّامٍ مِنْ كُلِّ شَهْرٍ أَوَّلَ اثْنَيْنِ مِنَ الشَّهْرِ وَالْخَمِيسِ. (سنن أبي داود - 2 / 301، قال الألباني : صحيح).

Ҳунайда бин Холид аелидан, у эса Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг биридан ривоят қилади. “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Зулҳижжанинг тўққиз кунда, Ошуро кунда, ҳар ойдан уч кун, биринчи душанбада ва пайшанба куни рўза тутар эдилар” (Сунани Аби Довуд, Албоний: саҳиҳ).

عن هنيذة بن خالد عن امرأته قالت حدثني بعض نساء النبي صلى الله عليه و سلم : أن النبي صلى الله عليه و سلم كان يصوم يوم عاشوراء وتسعا من ذي الحجة وثلاثة أيام من الشهر أول اثنين من الشهر وخميسين. (سنن النسائي - 4 / 205 قال الشيخ الألباني : صحيح).

Ҳунайда бин Холид аёлидан ривоят қилади. У айтди: Менга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларидан бирлари дедилар: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ошуро куни, Зулҳижжанинг тўққиз кунида, хар ойдан уч кун: биринчи душанбада ва икки пайшанбада рўза тутар эдилар” (Сунани Насоий, Албоний: саҳиҳ).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ مَا الْعَمَلُ فِي أَيَّامٍ أَفْضَلَ مِنْهَا فِي هَذِهِ قَالُوا وَلَا الْجِهَادُ قَالَ وَلَا الْجِهَادُ إِلَّا رَجُلٌ خَرَجَ يُخَاطِرُ بِنَفْسِهِ وَمَالِهِ فَلَمْ يَرْجِعْ بِشَيْءٍ. (صحيح البخاري - 2 / 383).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Бошқа кунлардаги амаллар мана бу кунларда қилинганчалик афзал бўлмайди”. Одамлар сўрадилар: “Жиход ҳам афзал бўла олмайдими?” Расулulloҳ дедилар: “Жиход ҳам афзал бўла олмайди. Илло бир инсон нафси ва молини хатар остига кўйиб чиксаю, ундан бирор нарса қайтмаса”. (Бухорий).

Маълумки, Саҳиҳи Муслимда Оиша онамизда “Мен Расулulloҳнинг ўн кунликда ҳеч рўза тутганларини кўрмадим”, деган ҳадис ривоят бўлган. Шу сабабли баъзи одамларда чалкашлик пайдо бўлиши мумкин.

Уламолар бу ҳадисни шарҳлаб, Расулulloҳнинг рўза тутмаганлари бирор узр билан бўлиши мумкинлигини ёки

рўза тутганларини ҳамма ҳам билавермаган бўлишини эслатишган.

“Расулуллоҳ касаллик, сафар ёки бошқа бирор узр билан тутмаган бўлишлари мумкин. Ёки Оишанинг назарларида тутмагандек туюлгандир. Бундан ҳақиқатан ҳам рўза тутмаганлари келиб чиқмайди” (Нававий, Шарҳи Саҳиҳи Муслим 4/328).

“Бу тўққиз кунда рўза тутишда карохат йўқ. Аксинча, бу амал, айниқса тўққизини кунда, жуда кучли мустаҳабдир” (Авнул Маъбуд: 7/75).

Бухорий ривоят қилган ҳадисга кўра “Бошқа кунлардаги амаллар бу кунларда қилинганчалик афзал бўла олмас” экан, фурсатни ғанимат билишимиз даркор. Аллоҳ ҳаммамизга комил ҳидоят насиб этсин.

(Мақола Ислом овози веб саҳифасида 2010 йил чоп қилинган)

